



ҚОН-ҚАРДОШ ҚОЗОҚ ОҒАМИЗ УЛКАН ТҮЙИНГ МУБОРАК!

БУТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.
№ 170, (4417),
27
АВГУСТ
ПАЙШАНБА
1970 йил,
Баҳоси 2 тийин.

ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК
РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҚОЗОҒИСТОН КОМ-
МУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛ-
ГАНИГА 50 ЙИЛ ТҮЛДИ

ЛЕНИНЧА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОИЛАСИДА

Қўш миллати Қозоғистон меҳнаткашлари ўз республикаси ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг яқин асрлик юбилейини Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрами сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини гўят кучайтириб юборган бир вазиёда нишонламоқдалар.
Республика Министрлар Советининг Раиси Б. АШИМОВ ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

Қозоғистон Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари чор Россиянинг қозоқ аграр чечма улқаси эди. Унда саноат йўқ эди, қишлоқ хўжалиги, хусусан чорвачилик кўчманчи ҳаётга асосланган эди. Қозоғистон ёппасига саводсизлар улқаси эди. Меҳнаткаш халқ икки томонлама жабр-қўлм остида қолган эди, — Қозоғистоннинг ўтмишидаги аҳволни айтишда эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Россиядаги барча халқларнинг, шу жумладан, қозоқ халқининг ҳам ҳаётини тубдан ўзгартди.

В. И. Ленин ва М. И. Калинин 1920 йил 26 августда Бутунроссия Марказий Иқтисодий Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Қозоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасини тўзиш тўғрисидаги Декретини имзоладилар. Шундай қилиб, қозоқ халқининг асрий орзу-тиллари рўйбега чиқди. Ушша йилнинг октябрий ойида Қозоғистон советларининг биринчи таъсис съезди очилди. Съезд «Қозоғистон Совет

Социалистик Республикаси меҳнаткашлари ҳукудлари декларациясини қабул қилди ва «Қозоғистон» муқтор аъзо сифатида Совет Социалистик Республикаларининг овоз федератив иттифоқига қиради», деб эълон қилди. Қозоқ халқи ўзининг қўш асрлик тарихида биринчи марта ўз давлатига эга бўлди. Қозоғистон АССР 1936 йил декабрь ойида иттифоддош республикага айлантирилди.

Ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш, Коммунистик партиянинг мамлакатни индустриаллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлини изчилик билан ўтказиш патижасида Қозоғистон Совет ҳокимияти йилларида йирик саноат республикасига, қишлоқ хўжалиги механизациялаштирилган ва маданий юксалган республикага айланди.

Республикада фойдали қазилмалар жуда кўп. Маҳаллий табиий ресурслар асосида бу ерларингда ва қора металллар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, химия маҳсулотлари, кўмир ва нефть конлари, машинасозлик заводлари, енгил саноат товарлари ва озиқовқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар вужудга келтирилди. Балхаш ва Жезқазған кончиллик-металлургия комбинатлари, Усть-Каменогорск қўргонини рух комбинати, Соколов-Сарбой консаралаш комбинати ва Қарағанда металлургия заводи, Чимкентдаги фосфорли туз заводи, Қарағанда шахталари ва Экибастўздаги катта кўмир разрезлари, Мангишлоқ, нефть райони, Олмаотадаги оғир машинасозлик заводи, Бухтарма, Ермаков, Жамбул электр-станциялари, Олмаота илгизлама комбинати, Семипалатинск туш комбинати ва бошқа корхоналар республикадан бошқа халқларга ҳам маълум.

Хозирги вақтда Қозоғистон 1913 йилдан 132 баравар, 1940 йилдан нисбатан 17 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1958 йилда нисбатан уч баравар ошди. Қозоғистон корхоналарининг маҳсулотлари жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатига юборилмоқда.

Республикада шу беш йиллик даврида 400 га яқин саноат корхона ва цехлар ишга туширилди. Қора ва рангил металлургия, электрэнергетика, нефть, химия саноати, енгил саноат ва озиқовқат саноати, машинасозлик айниқ



...Қозоғистон! Улуғ Советлар оиласида йилдан-йилга турин-раб-яшнаётган, камол топаётган, битмас-туганмас бойликларига бойлик қўшилиб, маданияти, саноати, қишлоқ хўжалиги ривож топаётган днёр. Бу днёр сериу-ёш Ўзбекистон билан қўшин. Ери ерига туташ, қалби қалбига пайванд. Бир-бирига устоз, бири-бирига шогирд.

Қозоқ элининг поёни йўқ, чексиз ғаллазорлар, қалқимиз-ни мамун эртаётган отар-отар қўйлар, уюр-уюр йилқилари, подода моллар битмас-туганмас бойлигимиздир. Унинг рангли ва қора металллар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналари, химия маҳсулотлари, кўмир ва нефть конлари, машинасозлик заводлари, енгил саноат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар иш-

ЯШНАЁТГАН ЎЛКА

лаб чиқарувчи корхоналари фақат қозоқ халқининггина эмас, барча совет халқининг ҳам ифтихори, фахридир.

Яшнаётган улқанинг қайси бир шаҳрида бўлмаш, ободлигини, қуркамлигини, истиқболни кўрасиз. Осмонлар қўлқаватли бинолар, мактаблар, маданият саройлари, аҳолига имонли зарур бўлса етказиб бераётган сон-саноксиз магазинлар, истироҳат боғлари, хибоналар... Ҳамма-ҳаммаси қалбимизга яқин ва оромбахш.

Бутун фанат қозоқ халқига эмас, бутун совет кишилари туркираётган улқанинг эзлик йиллик тўйини шоду хуррамлик билан, қон-қардошлик саломи билан муборакбод этмоқдалар. Улар қозоқ халқига улуг ва нурафшон йўлда улкан зафарлар тиламоқдалар. Шундай аёнда ўзбек халқи жонажон қозоқ халқини маҳкам бағрига босиб, чип юракдан қутлайди.

Суратда: яшнаётган улқанинг пойтахти Олмаота шаҳрида са-лобат билан қад кўтариб турган республика Министрлар Совети уйи ва Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети биноси-ни кўриб турибсиз.

Б. КЛИНИЦЕР ва
С. МЕТЕЛИЦ ФОТОС.
(ТАСС фотохроникаси).

УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ
ОЛМАОТАГА КЕЛДИ

Қозоғистон ССР ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги бағишланган таътаналарда қатнашиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари уртоқ Л. И. Брежнев 26 августда Олмаотага келди. (ТАСС).

ҚОЗОҒИСТОН
ЮБИЛЕИДА
ҚАТНАШИШ УЧУН

Қозоғистон Совет Социалистик республикасининг ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги байрамида қатнашиш учун Ўзбекистон делегацияси 26 августда самолётда Тошкентдан Олмаотага жўнаб кетди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аълолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов делегацияга бошчилик қилади. Делегация составида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Чалов номли авиация заводининг презерисни А. А. Девдтова, Сирдарё область, Қирғиз районидан «Партия XX съезди» совхози пахтачиллик бригадасининг бошлиғи А. Есқораевлар бор. (ЎЗТАГ).

Қишлоқ хўжалиги ишлари қундалиги СУТ ТАЙЁРЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Областимизнинг қўшгина қолхоз ва совхозлари раҳбарлари, бошлангич партия ташкилотлари сут-товар фермалари ишнини яхшилаш юзасидан бирмунча тадбирларни амалга оширдилар, сут соғувчилар ва молбоқарлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириб, сут соғишни қўлайитириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишида юксак кўрсаткичларга эришдилар.

10 августда Оққўрғон райони хўжаликлари давлатга сут сотиш йиллик лавини 67,7 процент, Бўстонлиқ райони 68 процент бажарди. Юқори Чарық ва Бўқа районларининг қолхозлари, совхозлари ҳам сут соғиб олиш ва давлатга сотишнинг юксак суръатлар билан олиб борилишини таъминладилар.

Бирок, бирмунча районлар, қолхоз ва совхозларда июль ойида сут соғиб олиш утган ойларга нисбатан камайиб кетди. Бундай ҳолатларни Калинин, Оржоникидзе, Янгйўл ва Бекобод районларида кўриш мумкин. Қолхоз ва совхозларда сут тайёрлаш ва уни давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар қониқарсиз бажарилимоқда.

Област қишлоқ хўжалик бошқармаси (Ортинқўсаев, Ажинов уртоқлар), совхозлар трестини (Аракеян, Албеков уртоқлар), район партия комитетлари, район йикроия комитетлари, район қишлоқ хўжалик бошқармалари, қолхоз ва совхозлар бошлангич партия ташкилотларининг секретарлари фермаларда ишнинг боришини ва ташкил этилиши, ситирларни озинлаштириш, боқиш, молбоқарлар, сут соғувчиларга тегинли шаронтлар яратиб берилаётгани билан қизиқишлари ва бу соҳада ҳар қуни контроль ўрнатилари лозим. Ҳар беш қунда сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақа натижаларини яқинлаб бориш ва бу асосда сут соғиб олишни қўлайитириш ва кеши билан 1 декабргача ҳамма хўжаликларда йиллик лавининг бажарилишини таъминлаш лозим.

Район партия комитетлари, район йикроия комитетлари, хўжаликларининг раҳбарлари ва бошлангич партия ташкилотларининг секретарлари сут-товар фермалари ҳодимлари ўртасида сут тайёрлаш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини муҳофиза қилишлари ва бу соҳада яқин кўрсаткичларга эришишлари лозим. Бу йил қишмча равишда давлатга 1750 тонна сут сотишимиз керак. Бу вазиёни бажариш чорвадорларининг муҳим бурчидир. Районларда, сут заводаларида ва Тошкент сут комбинатида қолхозчилар ва совхоз ишчиларининг ортиқча сутларини сотиб олишни ташкил этиш юзасидан қишмча тадбирлар қўйилиши лозим.

Юбилей йилида областимиз бўйича сут етиштириш ва давлатга топиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажарайлик. Бу ишнинг учун фермаларда ишнини музалиш ташкил этайлик, ҳар бир хўжаликда ситирлардан сут соғиб олишни қўлайитрайлик. Қиш учун етарли ем-хашак таъминлаш қўйилик. Сут соғувчилар ҳақида ғамхўрлик қилиб, уларнинг укумли ишлаши учун тегинли шаронтларин яратиб берайлик.

ЮКСАЛИШДА

Энгельс номли қолхоз меҳнаткашлари улкан беш йилликнинг сўнгги йилида ҳар гектар ерда 30 олинган ҳосилдорликни 50 центнерга қўтаришга аҳд қилтадилар. Дала ишлари аниқшу мажбуриятга яраша олиб боришмоқда.

Пахтакор ва Янгйўл район деҳқонларининг ташаббусига қўшилган қолхоз аъзолари яқинда ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ерда 32 центнердан ошириб ҳосил қўтариш, яъни давлатга 1550 тонна пахта сотишга қарор қилдилар. Бу оса пахтадан олинган умумий даромади 275 минг сўмга етказиш имконини беради.

Бутун фанат қозоқ халқига эмас, бутун совет кишилари туркираётган улқанинг эзлик йиллик тўйини шоду хуррамлик билан, қон-қардошлик саломи билан муборакбод этмоқдалар. Улар қозоқ халқига улуг ва нурафшон йўлда улкан зафарлар тиламоқдалар. Шундай аёнда ўзбек халқи жонажон қозоқ халқини маҳкам бағрига босиб, чип юракдан қутлайди.

Суратда: яшнаётган улқанинг пойтахти Олмаота шаҳрида са-лобат билан қад кўтариб турган республика Министрлар Совети уйи ва Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети биноси-ни кўриб турибсиз.

Х. АХМЕДОВ,
Оққўрғон райони.


САБЗАВОТ МЎЛ

1-«Оҳангарон» совхозининг Абдулла Латипов бошчилик қилаётган бўлим ишчилари мўл сабзавот маҳсулотларини етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Улар юбилей йилида 1400 тонна сабзавот етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Насиба Чинъулатова бошчилик қилаётган сабзавоткорлари ҳам катта ният билан тер тўқмоқдалар. Улар эртаги қарамнинг ҳар гектаридан 16 тонна ўрнига 32 тоннадан хосил йиғиштириб олдилар. Шунингдек, Раҳим Уролов бошчилик қилаётган сабзавоткорлари қишмча йўлқарини қўлга киритишмоқда. Улар ҳозиргача ҳар гектар ерда 26 тоннадан ортиқдор териб олинди. Илгиркигача яна ҳар гектар ерда 15 тоннадан ортиқдор топирилади.

Бўлим соҳибдорлари мўл олма ва узум ҳосили йиғиштириб олмақдалар. Бу йил камда давлатга 400 тонна мева етказиб бериш мажбуриятини олганлар.

Т. ХУШНАЗАРОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.



Суратда: Оққўрғон районидан «Ўзбекистон ССР беш йилги» совхозининг моҳир механизатори А. Чоджон. У бу йил пахта йиғим-терим мавсумида ўз аргети билан юз тоннадан ошириб пахта териб беришга аҳд қилган.

А. Абалаян фотоси.

ДАВЛАТГА 2700 ТОННА ПАХТА СОТАМИЗ

Қолхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини қўни билан ўрганиб, деҳқончиликда катта ютуқларни қўлга киритаётдилар. Улар давлатга илгиз, ғалла топишириш планларини ошириб бажарди. Энди тер тўзиб етиштирилган «оқ олтин»ни неснобул қилмай давлатга теда илгиз-териб топишириш чоралари қўйилмоқда.

Маъжуд 25 та пахта терадиган машина тўла ремонтдан чиқарилиди. 8 та қўрак терадиган 7 та подборчик ва пушча микродора қўсок чувидагидан машина ҳамда 3 та пахта юнайдиған машина, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Қолхозимизда 5 та

тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинаси бор. Бунини ҳозирдан тажрибали механик-ҳайдовчиларга биритиди. Русаддин Фаталеев, Санд Рупатов, Режаб Турсунматов комплекс бригадани бошлиғи Рихсибой Шомуродов уртоқлар пушлар юзлашадилар.

Биз 1100 гектар ердаги пахтанинг 800 гектарини «зағори кема»лар ердаида териб олмоқчимиз. Машиналарнинг қайтиши учун қолхозда 160 гектар ерининг ўзалопис олдидан ўрилиши керак бўлса, биз буни ариқларини қўшим қўли билан 60 гектарга яқинлаштиришимиз. Шу мақсадда 4 та грейдер, 4 та бульдозер, 2 та ўқариқларини текислайдиган «КУЗ» агрегатларини тайёрлаб қўйдик. Ўзани дефляцияни қилишга 5 центридан киришимиз. Химикатлар келтириб қўйилган.

Бундан ташқари, 1500 та этак, 200 метр қанор-шолта олиб қўйдик. 20 та олма ва 2 та катта тароқини ремонтдан чиқардик. Биз яна қишмча равишда этак ва шолта сотиб оламиз. Бригадалар ҳисобидан 13 та асфальт хирмон ремонт қилинади.

Шунинг билан ўтиш керакини, қолхозчиларимиз терим йили деб ўзга қатор ерларига илгиз беришини бўнаштиришимизга йўқ, 15 та трактор билан ўзга қатор оралари култивация қилинаётган бўлса, 50 га яқин сувчи уни сугориб, қўсалар салмоғини оширишимиз. Бу борарада Исрофил Акилов, Гулноз Чакалова уртоқлар бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари айниқса ғайрат кўрсатаётди.

Ҳозир қолхозимиз бўйича ҳар туп ўзада ўрта ҳисобда 8 тадан тўқ қўсок бор. Уни 10 тагача етказамиз. Шундай қилиб, давлатга планда қўзда тутилган 2450 тонна ўрнига 2700 тонна «оқ олтин» териб топишимиз.

О. БЕРДИЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидан
«Коммунизм» қолхозининг раиси.

ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ 50 ЁШДА



ЯШНА, ТУЛЛА СОВЕТ ҚОЗОҒИСТОНИ!

Гафур ҒУЛОМ

ҚОЗОҚ ЭЛИНИНГ УЛУҒ ТҮЙИ

Азамат халқ — улкан қозоқ,
Ўзбек элидан кутлов.
Бир туг ости бирлаштирди
Партия берган алов.
Бир томиримиз, бир чорваимиз,
Бир қозонимиз, бир олов,
Ўртаимизда неъмат тула,
Дастурхондай кенг йиллов.
Ўзбек али — уз оғам, — деб,
Ўзрик сўзлашмас қозоқ,
Жедам десаи, жошга туташ,
Ичим десаи яхшироқ.
Минг йилларнинг дебосчаси,
Улуғ тўйнинг муборак,
Янгирма беш ёшга кирган
Қўрқам бўйнинг муборак.
Нурга тула, эркин — озоқ,
Кутли уйнинг муборак.
Жондош қозоқ шон-шарафини,
Обрўини муборак.
Тўй бошидир улуғ нарвон
Етакчиси Партия
Маълум эллар халоскори,
Қўмақчиси Партия.

«Озоқ бўлсин, — деди Ленин, —
Маълумларнинг ҳаммаси».
Парчаланди зулматларнинг
Бизни бўлган қасаси,
Сор бургутдай қанотлариди
Элларнинг эркин саси,
Кулаш қизиниғ овозида
Омонгелди нафаси.
Улуғ оғи рус халқида
Улар бўлиш минглар.
Минг йилларнинг умри наби
Умрини бўлсин пойдоқ,
Минг йилларга бар тутқазмас
Қондошлик тарихини,
Икки бошга бир манглайдай
Яхшироқ тақдирини.
Бир китобнинг икки бети,
Туташгандир еримиз,
Бир-бирини кундай равшан
Айнимиз, сириниз,
Қариндошим, туғишқоним
Улкан қозоқсан узини,
Тоғи отарда эгиз болқар
Ўзбек билан юлдузини.

Олмаотанин олмаотиди
Қон талашган юзларини,
Қонбодом бодомиди
Қур-қурай қуларини,
Олтой буркин қиниғ қўйган
Элларнинг қундузларини,
Саримондан сўқилдоғи,
Соз ўрмалар қилларини,
Ойла бўлган суварилар,
Бахти бўлсин яхшироқ,
Жегай десаи йироқ, бўлмас,
Синглим десаи яхшироқ,
Кечаги дашт, ҳаттоки ўз
Исимдан шармандадир,
Жаҳон-жаҳон хазиналар
Саҳий бу Ватандадир,
Манов олтин, манов уран,
Манов Қарағандадир,
Менделеев жадвалини
Бариси бу қондадир,
Қозоқ боши маърифатини
Дурраси-да бойланди,
Чексиз саҳро жаҳоҳирлар
Сандуғига айланди.

Қуёш ўғли қуёшдан ҳам
Баракали улуғ халқ,
Миллиард тонна арпа-бугдой
Ўмборлари тулик халқ,
Евқур, дадил, жанг қуларини
Оти чайнар сўлуғ халқ,
Аҳди маҳкам, бошлар бўлса
Хар ишчи қилгувлик халқ,
Қариндошим туғишқоним
Ўлкан қозоқ, омон бўл,
Тиниқликда осмон бўл,
Довилликда жаҳон бўл,
Улуғ тўйнинг қулоғини,
Нубарсдай туркирайман,
Қорабайр ёлларини
Пойгаларда тарайман,
Мақтанмайман чин айтганда,
Бир чамалаб қарайман,
Айтисуда Собит билан
Тортишқуда ярайман,
Ўзбек элининг доғ қозонтан
Миллаиди оқиниман,
Жон қозонини оқинларин
Дустиман — ақиниман.



Суратда: Қозоғистон Фанлар академиясининг академиги Собит Муқонов (ўртада) ўз ҳаммаслари Қозоғистон академиклари Га-бит Мусрепов (chap) ва Абтилот Токибевлар билан.

П. Федеров фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

ШОНЛИ ЙҮЛ

ОЛМАОТА, (ТАСС мухбири).
24 августда Қозоғистон ССР
Фанлар академиясининг юбилей
сессияси бўлди. Сессия Қозо-
ғистон ССР ва Қозоғистон Ком-
партиясининг 50 йиллигига ба-
ғишланди. Қозоғистон ССР
Фанлар академиясининг прези-
денти Ш. Есенов «Қозоғистонда
фан тараққиёти — ленинча мил-
лий сийбас ифодаси» деган ма-
взуда доклад қилди.

Қозоқ халқини миллий ва со-
циал зулмдан озод қилган Улуғ
Октябрь социалистик револю-
циясидан кейин, деб таъкидлади
докладчи. Қозоғистонда фан
кейин ривож топти ва республи-
канинги ишлаб чиқарувчи қула-
рини юксалтиришнинг қудратин
воситаси бўлиб қолди.

Қозоғистон Фанлар академия-
си қисқа вақт ичиди мамлакат-
нинг йиллик илмий марказига
айланди. Геодезиянинг ривожла-
тиришда, фойдалан қилмалар
чиқариш ва қайта ишлашнинг
илмий асосларини нуруда кел-
тиришда катта муваффақият-
ларга эришилди. Химия фани,
тувирқушнослик, ботаника, фи-
зиология, зоология, генетика со-
ҳасида талайгина ютуқлар қў-
ла қиртилди.

Металлогения, юксак энергия-
лар ва космик нурулар физика-
си, юксак даражада концент-
рилан фосфорли ва му-
раккаб ўғитлар химияси ҳамда
технологияси каби муҳим илмий
йўналишлар вужудга келди.

РАҚАМЛАР

ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Қозоғистон Совет Социали-
стик Республикасини ер майдони
жиҳатидан Совет Иттифоқида
РСФСР дан кейин 2-ўринни
ишғол этди, қолган ҳамма рес-
публикалардан каттадир.

Бугунги Қозоғистон қора
металл, рағли ва нодир хи-
миявий хом ашёси ва туз
ҳосил қилди. Совет Итти-
фоқининг асосий районларидан
бўлиб, тошқўмир қазиниш
ҳақида мамлакатда учинчи
ўринни ишғол этади. Қозоғис-
тон мамлакатининг оғир,
саноат районидадан бўлиб,
СССРнинг галла ва чорва мах-
сулот етиштирувчи йилри
базаларидан биридир.

Қозоғистон саноат тараққи-
ети жиҳатидан Туркия, Поки-
стон ва Эрондан олдинда туради,
индустрия жиҳатидан илгор жа-
ҳон мамлакатлари қаторидан
ўрни олади.

Республикада электр қувва-
тини ишлаб чиқариш револю-
циядан олдинги Россияга исба-
тан 14 марта қўлайди. Бу
йил электр қувватини ишлаб
чиқариш 34 миллиард 350
миллион киловатт-соатга етади.
Бу ўтган йилгага нисбатан
11,9 процент ошди.

1966—1969 йиллар мобай-
нида беш йиллик планга қў-
шимча 470 миллион сумлик
ҳар хил махсулот ишлаб чи-
қарили. Шунинг таъкидлаш ке-
раки бу даврда нефть ишлаб
чиқариш — 5,1 баробар, про-
кат ишлаб чиқариш — 5,7 ба-
робар, рух — 1,8 баробар,
электр қуввати ишлаб чиқа-
риш — 1,8 баробар, ўғит иш-
лаб чиқариш — 1,5 баробар ва
умуман олганда, саноат махсу-
лотини ишлаб чиқариш — 1,4
баробар қўлайди.

Қозоғистон Совет Социали-
стик Республикасининг саноат
махсулотининг 70 дан ортиқ
махсулоти жаҳоннинг 70 дан
ортиқ мамлакатига экспорт
қилинмоқда.

Асрлар бўйи бекор 25 мил-
лион гектар ерни ўзлаштирил-
гандан кейин, Қозоғистон рес-
публикаси мамлакатининг катта
ғаллакор районларидан бирига
айланди.

ЛЕНИНЧА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОИЛАСИДА

(Боши 1-бетда).

Қишлоқ меҳнатнашлари КПСС
Марказий Комитети июль Пле-
нумининг қарорларини бажара
бориб, даладларнинг ҳосилдорлиги
ни ошириш, мол туғилиш ва чорва
моллар махсулдорлигини янада
қўлайтириш учун зўр-тайрат би-
рлан резервларини қийриб — топ-
моқдалар. Кейинги ўн йил ичида
қишлоқ хўжалигида меҳнат ха-
рактерининг ўзгарганини бунга
ердам беради. Қишлоқ хўжалиги
меҳнати тобора кўпроқ даража-
да индустриал хусусиятларга эга
бўлмоқда. Юз мингларга трактор-
лар, комбайнлар, автомобиллар
ва бошқа машиналарни бошқара-
ётган меҳнаткорлар ҳал қилув-
чи роль ўйнамоқдалар.

Республикада тарихан қисқа
вақт ичида 64 шаҳар ва шаҳар
типиди 100 дан ортиқ посёлка
вужудга келтирилди. Қишлоқ ва
овусларда тарқоқ ҳолдаги эски
қулоқлар ўрнига коммунал қу-
лайликларга эга бўлган шинам
уйлар нуриди.

Улкан Қозоғистон-территория
сининг анчагина қисми қўроқ зо-
нада бўлиб, бу ерларда сув ом-
борлари йўқ дейиш мумкин. Шу
сабабдан сувий сув омборлари,
каналлар ва водопроводлар
қуришга, шунингдек ер ости
сув ресурсларидан фойдаланишга
катта эътибор берилмоқда. Гидро-
созлар 500 километр узунлидаги
Иртиш, Қарағанда канал қурили-
шини тамомламоқдалар. Бу канал
замонавийнинг энг йилри гидро-
техника иншоотларидан биридир.
Қозоғистоннинг шимолда 3442
километр узунлида Ишим ва
Булай водопроводлари ишга ту-
ширилди, 6736 километр узун-

ликда яна учта водопровод қурил-
моқда. Даштлардаги 70 миллион
гектарга яқин ерлар кўп сивакчи-
на ва қудуқлар ёрдамида юқори
ҳосил қишлоқ хўжалиги май-
донларига айлантирилди.

Меҳнатнашларнинг моддий фа-
ривонлиги ўсиб бораётганини
қўрсатувчи маълумотларини келти-
риб ўтамиз. Республиканинги мил-
лиард паромали 1960—1969 йил-
ларда қарийб икки баравар кў-
пайди. Илчи ва ҳаҳдонларнинг
реал даромадлари ортиб, Давлат
ва кооператив савдосининг чакан
товар обороти 1940 йилдаги
қисбатан 12 баравар ошди.
Иқтисодий истеъмол фондлари
тобора катта роль ўйнамоқда.

Қозоғистонда ярим аср илгари
ағтиги бир неча юз врач ва ўрта
маалакли медицина ходимлари
бор эди. Ҳозир уларнинг соии
125 миң кишига етди. Касалхо-
налар, амбулаториялар, поликли-
никалар ва санаторийлар шохоб-
чалари кенгайди. Уй-йой қурили-
ши қўламлири ҳам ҳаммаи қу-
вонтирмоқда. Қозоғистоннинг ша-
ҳар ва қишлоқларида кейинги ўн
йил ичидагина жами 56,9 милли-
он квадрат метр ҳажмида уй-
йой қурилди. Революциядан ил-
гариги Қозоғистонда қанча уй-
йой бўлса, ҳозир ҳар икки йилда
шунча уй-йой фойдаланиш учун
топирилмақда.

В. И. Ленин Совет ҳокимияти-
нинг дастлаб йилларида «ма-
данятни юксак даражада кўта-
риш» вазифасини қўйган эди.
Барча қардош совет республика-
ларида бўлган каби бизда ҳам
бу вазифа муваффақиятлик ҳал
этилди. Кейинги йилларда Қозо-
ғистонда санкиз йиллик таълим
амалга оширилди ва умумий ўр-

та таълимга муваффақиятли су-
ратда ўтилмоқда. Мактаб бинола-
ри тез суруъатлар билан қурил-
моқда. Ҳозирги вақтда республи-
када 10 миңдан ортиқ умумий
таълим мактаблари бор. Булар-
да 3 миллиондан ортиқ киши
ўқимокда. 43 та олий ва 187 та
ўрта махсус ўқув юрларида 405
миңдан ортиқ киши шугуллан-
моқда.

Республиканинги ишлаб чиқа-
рувчи қуларини ривожланти-
ришда фанининг роли каттадир.
Фанлар академиясида, жуда кўп
илмий тадқиқот институтлари,
лабораториялар ва олий ўқув
юрларида 25,4 миң илмий хо-
дим ишламоқда. Улардан 6 миңга
яқин киши фан доктори ва
кандидатларидир. Қозоғистон
олимларининг энг муҳим кашфи-
ётилари, ихтиролари ва илмий
асарлари Ленин мукофоти ва
Давлат мукофотларига сазовор
бўлди.

Республика маданият соҳасида
катта муваффақиятларга эришди.
14 миңдан ортиқ маданият са-
роҳлари ва уйлари, клублар,
халқ кутубхоналари, 24 профес-
сионал театр ва 60 халқ театри
аҳонига хизмат қилмоқда. Ҳар
бир хонадонда радиоприйёмник ёки
радио нүктаси бор; телевизорлар
сои 1 миллион 262 миңга ет-
ди.

Ҳозирги вақтда Қозоғистонда
қозоқ, рус, уйғур тиллари ва
бошқа тилларда 354 газета чи-
қарилмақда.

Ёзувчилар, рассомлар, компо-
зициялар, кинематографчилар,
актерлар ва архитекторлар бошқа
халқлар билан тақрибаларини
ўзаро айирбошлаб, қўнича чуқур
мазмунли асарлар яратишди.
Қозоқ халқи саҳийлик билан

бегараз ёрдам берганликлар
учун улуғ рус халқидан, улуғ
ватанимиздаги барча қардош
халқлардан астойдил миннатдор-
дир. Бу ёрдам республиканинги
экономика ва маданиятини ривож-
лантиришда қўлга киритаётган
муваффақиятларининг энг муҳим
шарти бўлиб келмоқда.

Юздан ортиқ миллат ва элат
вакиллари Қозоғистонда яшаб,
самарали меҳнат қилмоқдалар.
Халқлар дўстлиги — жамиятимиз-
ни ҳаракатга келтирувчи қудрат-
ли қуларининг бири, социализм-
нинг буюк ютуғидир. «Социализм
осмонида, — дейди КПСС Марка-
зий Комитетининг Бош секретари
ўртоқ Л. И. Брежнев, — катта ва
кичи барча миллатлар худди
юлдузлардек порлаб турибди».

В. И. Ленин халқлар дўстлиги-
ни васийт қилиб қолдирган эди.
Республика меҳнатнашлари бу
дўстлигини кўз қорачидай асра-
моқдалар ва уни янги талаба-
ларининг битмас-туганмас манбаи
деб биладилар. Республиканинги
меҳнатнашлари ҳозирги вақтда
беш йиллик план топириқларини
ки муваффақиятли мусобақачи то-
бора авж олдиришмоқдалар. Ша-
ҳар ва қишлоқларнинг меҳнат-
нашлари КПСС XXIV съездин
муносиб кутиб олиш учун янги
оширилган мажбуриятларини ол-
моқдалар ва бу мажбуриятларини
сабот билан амалга оширмода-
лар.

Қозоғистон Совет Социалистик
Республикасининг меҳнатнашлари
бутун совет халқи билан бир-
галликда бундан буён ҳам соци-
алистик ватан бахт-саодати йўлида
жонбозлик билан меҳнат қилиб,
коммунизм қурилишига ўзларини
инг салмоқли ҳиссаларини қў-
шавердилар.

ЮКСАЛИШДА ЯРИМ АСР

Шу кунларда қозоқлар элида
катта шоду хуррамлиқ ҳуқи
сурмоқда. Қозоқ халқи ўзининг
элини йиллик тўйини кенг иш-
пошмоқда. Совет Қозоғистонини
барча қардош халқларининг бу-
зилмас дўстлиги ва бегараз ёр-
дами, туғийли ўз экономикаси
ва маданиятини ривожланти-
ришда катта муваффақиятларга
эришди. Уларнинг ҳаммаси Қо-
зғистон саноати ва қишлоқ
хўжалигини юксалтиришга сал-
моқли ҳисса қўшди.

Республика Министрлар Со-
ветининг материал-техника таъ-
миноти — қозоқ башқармасида
ТАСС — КАЗТАГ мухбирига
маълум қилишларига кўра
миңдан ошқ асосий махсулот
турлари бошқа республикаларга
чиқаришда ҳам улардан келти-
рилмоқда. Масалан, Қозоғис-
тондан рағли металл олмайдиган
бирон иттифоқдош респу-
блика йўқ. Совет рағли метал-
лургиясининг нешқадами —
Усть-Каменогорск қўроғи-
рух комбинати рағли метал-
нинг кўп қисминин тайёрлаб бер-
моқда.

Қозоғистон республикаси
мамлакатда рағли металл,
фосфор, хром тузлари, калций
карбиди ишлаб чиқариш жиҳа-
тида етжанчи ўрнида туради.
Қардош республикалар ёрдами-
да қурилган қозоғистон саноати
шу беш йилдининг тўрт йили
мобайнида қарийб 400 хил янги
корхона ва катта-катта цехлар
билан бойлиб, қўлаб машина,
механизм, асбобинструментлар
ҳам етказиб берадиган бўлиб
қолди. Масалан, Кентон заводи
неча юзлаб экскаваторлар юбо-
риб турибди. Чимкент маркази
қўйилган пресс-автоматлар эса
қўлаб бошқа республикаларга
юборилмоқда. Олмаотада «Ок-
тябрь 20 йиллиги» станоксо-
злик заводининг буюртмаларини
бундан миңлаб километр нари-
да ҳам бор.

Соколов-Сарбой руда сара-
лаш комбинатидан чиққан қудли
руда артерияси Россиянинг Ура-
лиданги металлургия завод-
ларига туташган. «Қозоғистон
Магниткаси»нинг махсудоти
Россия ва Ўрта Осиё респу-
бликаларининг корхоналарига тобо-
ра кўпроқ юборилмоқда.

Қозоғистон хўжаликларида
салкам 200 миң трактор бор.
Сўнгги йилларда Қозоғистон да-
лаларида «К-700» маркали куч-
ли тракторлар ишланмоқда. Бу-
нинг учун қўқуварлар ленин-
градликлардан мамундирлар.
Аммо республиканинги ўзи ҳам
трактор ясайдиган бўлиб қолди
— Павлодардаги трактор заво-
ди кучайиб бормоқда. Харьков,
Челябинск, Волгоград трактор-
созлари бу ердаги тракторсо-
зликни йўлга қўйишда ёрдам
бердилар.

Қардош республикалардан
ташиб келтирилладиган махсу-
лотлар руҳхати беҳисобдир. Қо-
зғистон автомобил ва локомо-
тив, самолёт ва комбайн, электр
двигатель ва енгил саноат ма-
шина ускуналари олиб туради.
Қозоғистон учун электротехника
етказиб берувчи корхоналар
руҳхатининг ўзла Москва, Ук-
раина ва Беларусия, Ўрта
Осиёдаги барча республикалар,
Закавказье ва Болтиқ бўйидаги
шаҳарлар бор.

(ТАСС — КазТАГ мухбири).



Серқуёш Қозоғистон республикасининг бугунги кунин. Олмаота шаҳрининг Комсомол кўчаси. Ўзи-
нинг ободлиги ва серфайлиги билан эътиборини тортди, дилинги хушқуд этади.

К. Мустафин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

